

УДК 634.8

УЗУМНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ШАРОББОП РАНГДОР ВА ОЛТИНДАЙ НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИГА ХОМТОК МЕЪЁРИНИНГ ТАЪСИРИ

Файзиев Жамолиддин Насирович

Тошкент давлат аграр университети мева-сабзавотчилик
ва узумчилик кафедраси профессори

Хайитов Жамшид Комил ўғли

Бобожонов Отабек Хақимбой ўғли

Тошкент давлат аграр университети мева-сабзавотчилик
ва узумчилик кафедраси магистрантлари

АННОТАЦИЯ

Мақолада хомток меъёрларини узумнинг шароббон навлари ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири ўрганилган. Узумнинг шароббон навларининг узум боши оғирлиги, тупдаги ҳосил, ҳосилдорлик аниқланган. Узумнинг шароббон Рангдор ва Олтиндай навлари хомток қилинганда узум боши оғирлиги ва ҳосилдорлигига таъсир кўрсатади. Бунда энг оғир узум бошлари оғирлиги – 120-125,7% , тупдаги юқори ҳосил – 16,7-19,6 кг ва ҳосилдорлик – 185,5-217,8 ц/га ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилган вариантда қайд этилди. Узумнинг шароббон навларини қандлиги ва кислоталиги бирбиридан фарк килади. Қанд микдори энг юқори Рангдор навида 26,2 % гача бўлди. Бошқа навларда 21,0-25,0 % гача бўлиши кузатилди. Кислоталиги энг юқори бўлган навлар Олтиндай навида 7,6 г/л гача бўлди. Қолган навларда 4.3-5.9 г/л гача бўлганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: узум, нав, шароббон, ҳосилдорлик, узум боши, гуҷум, хомток.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается влияние сырьевых норм на урожайность и качество винных сортов винограда. Винные сорта винограда определяли по массе кочана, урожайности в кусте, урожайности. Сорта винограда Рангдор и Олтиндей винного цвета влияют на вес и урожайность виноградных головок при сборе урожая. При этом масса самых тяжелых виноградных головок - 120-125,7%, высокая урожайность в кусте - 16,7-19,6 кг и урожайность - 185,5-217,8 ц/га. Сахаристость и кислотность винных сортов винограда отличаются друг от друга. Самое высокое содержание сахара до 26,2% было у

сорта Рангдор. У остальных сортов она наблюдалась в пределах 21,0-25,0%. Сорта с самой высокой кислотностью были до 7,6 г/л у сорта Олтиндай. У остальных сортов она оказалась в пределах 4,3–5,9 г/л.

Ключевые слова: виноград, сорт, винных, урожайность, гроздь, ягод, выломка.

ABSTRACT

The article examines the impact of raw standards on the yield and quality of wine varieties of grapes. Wine varieties of grapes were determined by the weight of the head of grapes, yield in the bush, yield. The wine-colored Rangdor and Oltinday varieties of grapes affect the weight and yield of the grape head when it is harvested. In this case, the weight of the heaviest grape heads - 120-125.7%, high yield in the bush - 16.7-19.6 kg and yield - 185.5-217.8 ts / ha. . The sugar content and acidity of wine varieties of grapes differ from each other. The highest sugar content was up to 26.2% in the Rangdor variety. In other varieties it was observed in the range of 21.0-25.0%. The varieties with the highest acidity were up to 7.6 g / l in the Oltinday variety. In the remaining varieties, it was found to be between 4.3–5.9 g / l.

Keywords: grapes, fresh, wine, yield, grape head, raisins.

КИРИШ

Хомток ёш ва ҳосилга кирган токзорларда қилинади. Ёш токзорларда ток тупларида маълум шаклни вужудга келтириш ҳамда қолган новдаларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитни яратиш мақсадида амалга оширилади. Ток тупи тузилиши учун зарур новдаларнигина эмас, балки унинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган ассимиляция апарат (асосан барглар) ни ҳосил қилиш учун ҳам қўшимча новдалар қолдирилади. Новдаларни керагидан ортиқча олиб ташлаш, ток ер устки қисми ва илдиз системаси ўртасидаги мутаносибликни бузилишига олиб келади. Ҳосилга кирган ток тупларини хомток қилишдан мақсад мавжуд ток шаклини сақлаш, вегетатив ва генератив органлар ўртасида муътадил муҳитни яратиш, тупдаги новдалар ва ҳосил ўртасидаги миқдорни тартибга солишдан иборат. Хомток аслида кузги ва баҳорги ток кесишнинг давоми ҳисобланади, масъулиятли агротехника тадбирларидан биридир. [5; 36-85.] Хомток қилинганда барг ҳамда илдиз орқали келадиган озик моддалар ҳосилли новдаларнинг ривожланишига, уларнинг яхши пишишига, ҳосилга сарф бўлади. Ўсимлик замбуруғ касаллигига ҳам чалинади. Хомток даврида тупда керакли ҳосилли новдалар қолдирилиши зарур. Ўзбекистон шароитида ўстириладиган хўраки навларда

кўпчилик куртакларнинг ривожланмай қолиши ва ҳосилсиз новдаларнинг кўплаб пайдо бўлиши ҳоллари учрайди. [6; 3-11-б]

Ток навларининг асосий белгиларидан бири бу унинг ҳосилдорлигидир. Ток тупининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари шу йилги пишиб етилган новдаларидаги қишлоғчи кутракларда шаклланган тўп гул муртагини миқдори ва уларни давридаги ҳолатни аниқлаш йўли билан белгиланувчи (биологик ҳосилдорлик), ўсимлик органик маҳсулотлари массасини кўрсатувчи (биологик ҳосилдорлик), ҳар бир ток тупи ёки бир гектар майдондаги етиштирилган ҳосилни умумий миқдори билан белгиланувчи (хўжалик ҳосилдорлиги), шунингдек энг олий шароитда қишги куртакларнинг 100% ҳосил бериш қобилиятига эга бўлгандагина олиш мумкин бўлган (ҳақиқий) ҳосилдорлик кўрсаткичи я'ни ҳақиқий ҳосилдорлик муҳим аҳамият касб этади. Булардан ташқари ток тупи маҳсулдорлигини аниқлашда унинг ҳосилдорлик коэффисенти ва новдалар ҳосилдорлиги энг муҳим нав белгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун тажрибада ўрганилаётган узумнинг шароббоп навларини ҳосилдорлик коэффисентини яни битта ҳосилли новдадаги узумбошлар сонини ва ҳосил бериш коэффисентини ёки ток тупидаги узум бошларнинг барча ривожланган новдаларга нисбатан аниқлади. Навларнинг ҳосилдорлиги ер бирлигига ёки бир гектарга тўғри келадиган ҳосил новдалари сонига шу новдалардаги мавжуд узум бошлар сонига ва ҳар бир узум бошнинг ўртача оғирлигига боғлиқдир. [7; 84-б]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хўраки навларнинг ҳосил туғиш қобилияти винобоп навларникига нисбатан паст бўлади. Хомток жараёнида ҳосилсиз, ортиқча новдалар олиб ташланади, бу ҳосилли новдаларнинг ривожланишини жадаллаштиради, новдалардаги ҳосил куртакларнинг кўплаб шаклланиши, келгуси йилда юкори ҳосил етиштиришни таъминлайди. [6; 3-11-б]

Илмий тадқиқот услуби. Узумнинг истиқболли шароббоп Рангдор ва Олгиндай навларида ҳосилдорлиги ва сифатига хомток меъёрининг таъсири ўрганилмаган. Тажрибалар Х.Ч.Бўриев, Н.Ш.Енилеев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси», [1; 64-б], М.А.Лазаревскийнинг «Методы ботанического описания и агробиологического изучения сортов винограда» [2; 347-400-б] Н.Н.Простосердовнинг «Изучение винограда для определения его использования» [4; 63-б],

В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» [3; 21–28-б] номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган.

Ток тупининг яшил қисмида қилинадиган агротехник тадбирлар, жумладан хомток қилиш меъёрлари узумнинг шароббоп навлари ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатди. Тажриба натижаларининг кўрсатишича, хомток қилиш узум бошларининг оғирлигига сезиларли таъсир кўрсатди. Бунда назоратга нисбатан энг оғир узум бошлар – 120% ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилган вариантда қайд этилди.

Узум боши оғирлигининг назоратга нисбатан энг кам ошиши – 108,8% ҳосилсиз новдалар 100 % хомток қилинган ҳисобидан берилган тажриба вариантыда аниқланди. Ҳосилсиз новдалар 75 % хомток қилинган ҳисобидан берилган тажриба варианты узум бошлари оғирлигининг назоратга нисбатан ортиши бўйича бўйича оралик ўрин эгаллади ва фарқланиш 10,9% ни ташкил этди.

Узумнинг Олтиндай навида назоратга нисбатан энг оғир узум бошлар – 125,7% ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилган вариантда қайд этилди. Ушбу навда узум боши оғирлигининг назоратга нисбатан энг кам ошиши – 112,0% ҳосилсиз новдалар 100 % хомток қилинган ҳисобидан берилган тажриба вариантыда аниқланди. Ҳосилсиз новдалар 75 % хомток қилинган ҳисобидан берилган тажриба вариантыда узум бошлари оғирлигининг назоратга нисбатан ортиши оралик ифодага эга бўлди ва фарқланиш 12,0% ни ташкил этди.

Ҳар хил миқдордаги хомток қилиш тупдаги узум бошларининг сони ва улар ўртача оғирлигининг ўзгариши пировард натижада туп ҳосилдорлиги ва умумий ҳосилдорликнинг ҳам тажриба вариантлари бўйича ўзаро фарқланишига олиб келди.

Тажриба маълумотларининг кўрсатишича, узумнинг Рангдор нави тупидаги энг юқори ҳосил – 16,7 кг ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилганда олинди. Тупдаги энг кам ҳосил – 16,2 кг ҳосилсиз новдалар 75 % хомток қилинган ҳисобидан берилганда тажриба вариантыда аниқланди. Ҳосилсиз новдалар 100 % хомток қилинган ҳисобидан берилганда тажриба вариантыда тупинг ўртача ҳосили оралик ўрин эгаллади ва 16,5 кг га тенг бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

*Узумнинг шароббоп навлари ҳосилдорлигига хомток меъёрининг таъсири,
2020-2021 йиллар*

/р	Вариантлар	Узум бошининг ўртача оғирлиги, г	Тупдаги ҳосил, кг	Ҳосилдорлик, ц/га
Рангдор				
	Ток туплари хомток қилинмаган – назорат	320,0	12,0	133,3
	25 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	352,0	15,5	172,2
	50 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	384,0	16,7	185,5
	75 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	355,0	16,5	183,5
	100 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	348,0	16,2	180,0
	ЭКФ ₀₅		0,6	1,3
	Sx		0,11	0,22
Олтиндай				
	Ток туплари хомток қилинмаган – назорат	350,0	13,6	151,1
	25 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	400,0	15,6	173,3
	50 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	440,0	19,6	217,8
	75 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	410,0	17,1	190,0
	100 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	392,0	16,1	178,9
	ЭКФ ₀₅		0,5	1,6
	Sx		0,08	0,26

Узумнинг шароббоп навлари ҳосилдорлигига хомток қилишнинг таъсири гектар ҳисобидан олинган натижаларда янада яққол ўз ифодасини кўрсатди. Бинобарин, узумнинг Рангдор навида энг юқори ҳосилдорлик – 185,5 ц/га ёки назоратга нисбатан кўшимча ҳосил 29,1% ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилган тажриба вариантыда аниқланди. Энг кам ҳосилдорлик – 180,0 ц/га ёки назоратга нисбатан кўшимча ҳосил 35,0% ҳосилсиз новдалар 100 % хомток қилинган ҳисобидан берилганда тажриба

вариантида аниқланди. Хосилсиз новдалар 75 % хомток қилинган берилганда ҳосилдорлик юқоридаги вариантлар ўртасида оралиқ ифодага эга бўлди назоратга нисбатан кўшимча ҳосил 37,7% ни ташкил этди.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, хомток меъёрини узумнинг Олтиндай нави ҳосилдорлигига таъсирида ҳам юқоридаги каби тенденция қайд этилди. Жумладан, тупдаги энг юқори ҳосил – 19,6 кг ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилганда олинди.

Тупдаги энг кам ҳосил – 16,1 кг ҳосилсиз новдалар 100 % хомток қилинган ҳисобидан берилганда тажриба вариантыда аниқланди. Хосилсиз новдалар 75 % хомток қилинган ҳисобидан берилганда тажриба вариантыда тупинг ўртача ҳосили юқоридаги вариантлар орасида оралиқ ўрин эгаллади ва 17,1 кг ни ташкил этди. Узумнинг Олтиндай нави умумий ҳосилдорлигига хомтокнинг таъсирида куйидаги натижалар қайд этилди. Бунда, энг юқори ҳосилдорлик – 217,8 ц/га ёки назоратга нисбатан кўшимча ҳосил 44,1% ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилган тажриба вариантыда аниқланди. Энг кам ҳосилдорлик – 178,9 ц/га ёки назоратга нисбатан кўшимча ҳосил 18,4% ҳосилсиз новдалар 100 % хомток қилинган ҳисобидан берилган тажриба вариантыда аниқланди. Хосилсиз новдалар 75 % хомток қилинган ҳисобидан берилган тажриба вариантыда ҳосилдорлик юқоридаги вариантлар ўртасида оралиқ ифодага эга бўлди назоратга нисбатан олинган кўшимча ҳосил 25,7% ни ташкил этди.

2-жадвал

*Узумнинг шароббоп навлари 50 % ҳосилсиз новдалари хомток қилинганда
узум бошининг оғирлиги ва кимёвий
таркиби, 2020-2021 йиллар*

/р	Навлар	Узум бошининг оғирлиги, г	Ғужум шарбатини	
			Қандлилиги, %	Кислоталиги, г/л
	Мускат Орзу	325,0	25,0	4,3
	Рангдор	384,0	26,2	5,9
	Олтиндай	440,0	21,0	7,6

Узумнинг шароббоп навларини қандлиги ва кислоталиги бирбиридан фарк қилади. Қанд миқдори энг юқори Рангдор навида 26,2 % гача бўлди. Бошқа навларда 21,0-25,0 % гача бўлиши кузатилди. Кислоталиги энг юқори бўлган

навлар Олтиндай навида 7,6 г/л гача бўлди. Қолган навларда 4.3-5.9 г/л гача бўлганлиги аниқланди.

Шундай қилиб ўрганилаган узумнинг шарообои навлари узум боши гужуми таркибидаги қандлиги ва кислоталиги ҳар хил бўлиши, турли хил шароблар тайёрлашга имкон беради.

ХУЛОСА

1. Узумнинг шароббоп навларини хомток қилиш узум бошининг оғирлиги ва ҳосилдорлигига таъсир кўрсатади. Бунда узумнинг шароббоп Рангдор ва Олтиндай навларини энг оғир узум бошлари – 120-125,7% , тупдаги ҳосил – 16,7-19,6 кг ва ҳосилдорлик – 185,5-217,8 ц/га ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилган вариантда қайд этилди.

2. Ҳар хил меъёрда хомток қилиш узумнинг навлари узум боши гужумининг қандлилигига таъсир кўрсатади. Бунда энг юқори қандлилик Рангдор навида 26,3% ва Олтиндай навида 24,1% ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилган вариантда аниқланди.

3. Узумнинг шароббоп навларини қандлиги ва кислоталиги бир-биридан фарк килади. Қанд микдори энг юқори Рангдор навида 26,2 % гача бўлди. Бошқа навларда 21,0-25,0 % гача бўлиши кузатилди. Кислоталиги энг юқори бўлган навлар Олтиндай навида 7,6 г/л гача бўлди. Қолган навларда 4.3-5.9 г/л гача бўлганлиги аниқланди.

REFERENCES

1. Буриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. ва б. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. – Т., 2014. – 64 б.
2. Лазаревский М.А. Методы ботанического описания и агробиологического изучения сортов винограда // Ампелография СССР. – М.: Пищепромиздат, 1946. – Т. I. – С. 347-400.
3. Моисейченко В.Ф. Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами. – Методические рекомендации. – Киев, 1967. – С. 21-28.
4. Простосердов Н.Н. Изучение винограда для определения его использования. М.: Пищепромиздат, 1963. – 63 с.
5. Сулаймонов Б.А., Файзиев А.А., Файзиев Ж.Н. Тажриба маълумотларининг статистик таҳлили. – Тошкент, 2015. – Б. 36-85.

-
6. Темуров Ш. Узумчилик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2002. – Б. 3-11.
7. Fayziyev J.N., Qurbonova S.A., Bobojonov O.X. (2021) Passage of phenological phases and indicators of productivity of wine grafe varieties. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.- volume-1, Issue-5. ISSN 2181-1784. 84-B
8. Nosirovich, F. J., Qizi, Q. S. A., & O‘G‘Li, B. O. X. (2021). UZUMNING SHAROBOP NAVLARINI FENOLOGIK FAZALARINI O ‘TISHI VA HOSILDORLIK KO ‘RSATGICHLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 380-387.